

Тазкия дарслари (148-дарс). Мусулмонни сўкиш фосиқликдир



17:00 / 07.08.2021 4870

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан бири фосиқликдир.

«Фисқ» сўзи луғатда қобиқни тешиб чиқиш маъносини англатади.

Шаръий истилоҳда эса Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқиб, маъсиятларни яширмай, уялмасдан, очиқ-ойдин қиладиган одамга «фосиқ» дейилади.

Одатда «фосиқ» деб гуноҳ ишларни қилган мусулмонларга айтилади. «Фисқ» сўзи уламолар истилоҳида гуноҳи кабира қилиб ёки кичик гуноҳларда бардавом бўлиб, Аллоҳнинг наҳйи қилган нарсаларидан чиқишни англатади.

Қуръони Каримда эса мавзуга қараб, кофир ва мунофиқлар ҳам баъзан «фосиқ» дейилади.

Аллоҳ таоло Сажда сурасида марҳамат қилади:

?????? ????? ?????????? ????? ?????? ?????????? ????? ??????????????
?????? ?????????? ?????????? ?????????????? ?????????????????? ?????????? ??????????
????????????? ?????????? ?????? ?????????? ??????????????????

????????? ?????????? ?????????? ?????????????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ???
????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????
????????? ?????????? ?????? ??????????????????

«Ахир, мўмин бўлган одам фосиқ бўлган одам каби бўлурми?! Тенг бўлмаслар. Аммо иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга, албатта, уларга қилиб ўтган амаллари учун зиёфат ўлароқ, жаннатул маъво бор. Аммо фосиқлик қилганлар эса, бас, уларнинг жойлари оловдир. Ҳар сафар ундан чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтарилурлар ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган оловнинг азобини тотинг», дейилур» (18-20-оятлар).

Ушбу ояти карималарда фосиқлик мўминликка муқобил равишда зикр қилинмоқда. Демак, бу ўринда у кофирликни англатади.

Мунофиқнинг ҳам фосиқ дейилишига қуйидаги оят далилдир:

نُوۡهٖۤ نَيِّوۡرِكَۡنُۡمَلِۡبِۡنَۡوُرُمۡۡۤ اَيۡضَۡعَبۡ نُّۡمۡمُهٗۤ ضَعَبۡ تُۡاِقِفَانۡمَلۡۤ اَوۡنُۡوُقِفَانۡمَلۡۤ
نَيۡۡقِفَانۡمَلۡۤ اِنۡمُهٗۤ سَنَفۡ لَلۡۤ اۡوَسَنۡ مُهٗۤ دَيۡۤ اَنۡ وُضِبۡ قَيۡوۡۤ فَوُرَعۡمَلۡۤ اِنۡعۡ
نُۡوُقِسَافۡلَاۡمُهٗۤ

«Албатта, мунофиқлар - улар фосиқлардир» (Тавба сураси, 67-оят).

Кофирликка етиб бормайдиган, гуноҳ маъносидаги фосиқликка Бақара сурасидаги қуйидаги оят далил бўлади:

هُۡوُبۡتۡكَافِۡمَسۡمُۡمَلِۡجَۡۤ اِلٰۤى نۡنِيۡدِبۡ مُۡتَنِيۡۤ اَدَتۡ اِذِۡۤ اۡوُنَمۡۡۤ اِنۡيۡدِلۡۤ اِهۡۤ اَيۡ
هُۡمَلۡۤ عۡۡمَلۡۤ اَمۡكۡ بۡتۡكَۡيۡۤ نۡۡۤ اۡبۡتۡ اَكۡۡ بۡۡ اَيۡۡۤ اَلۡوۡۤ لِدَعۡۡۤ اِبۡۡۤ بۡتۡ اَكۡۡ مُۡكَنۡۤ يۡۡۤ بۡتۡكَۡيۡۤ لَوۡ
سۡخۡبۡۤ اَلۡوۡۤۤ بَرۡۤ لَلۡۤ قۡتۡۤ لَوۡۤ قۡخۡۤ لَلۡۤ عۡۡۤ يۡدِلۡۤ لَلۡۤ لۡمۡۤ لَوۡۤ بۡتۡكَۡيۡۤ لَفۡۤ لَلۡۤ
اَلۡۤ وَاۡۤ اَفِيۡۤ عۡۤ وَاۡۤ اِهۡۤ فَسۡۤ قۡخۡۤ لَلۡۤ عۡۡۤ يۡدِلۡۤ اَنۡ اَكۡۡۤ اِنۡۤ اَيۡۤ شۡۤ هۡۤۤ

نَمِ نِي دِي هَشْ اُوْدِهْ شَتْسْ اَوِ لِدْغْ لِابْ هُوْ يَلْوْ لِدْ مِيْلَفْ وَهْ لَمِي نَاْ عِي طَتْسِي
ءَاْدَهْ شَلَا نَمِ نَوْضَرْت نَمِمِ نَاتْ اَرْمِ اَوِ لِحْ رَفِ نِي لِحْرِ اَنُوْ كِي مَلِ نِ اِفْ مُكْلِ اِحْر
اَلْوِ اُوْغُدْ اَمِ اِذَاْ ءَاْدَهْ شَلَا بْ اَيِ اَلْوِ كِي رُحْ اَلَاْ اَمُهْ اِنْحِ رَكْدُتْ فِ اَمُهْ اِنْحِ لَصَتْ نَاْ
هَلْ لَا دَنْعْ طَسُقْ اَمُكْلِدْ ذَهْلَجْ اَلَاْ اَرِيْبَكْ وَاْ اَرِيْغْ صُ هُوْبُتْ كَتِ نَاْ اَوْمِ اَسَتْ
اَهَنْ وُرِيْدُتْ ءَرْضَا حِ ءَرَا جَتِ نَوُكْتِ نَاْ اَلَاْ اُوْبَاتْرَتْ اَلَاْ اَيِ نَدَاْ وِهْ دَاْ هَشَلْ لُ مَوْقِ اَوِ
اَلْوِ مُتْغِيْ اَبَتْ اِذَاْ اُوْدِهْ شَاْ اَوِ اَهُوْبُتْ كَتِ اَلَاْ اِحْ اُنْحِ مُكْيَلَعْ سِيْلَفْ مُكْنِيْ بْ
هَلْ لَاْ اُوْقَّتْ اَوِ مُكْبْ قَوْسُفْ هَنْ اِفْ اَوْلَغْفَتْ نِ اَوِ دِي هَشْ اَلْوِ بَاتْ اَكْ رَاْضِيْ
مِيْلَعْ اَيِ شَلْ كَبْ هَلْ لَاْ اَوِ هَلْ لَاْ مُكْمَلْ غِيْ وِ

«Олди-сотди қилганингизда гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин. Агар (аксини) қилсангиз, албатта, бу фосиқлигингиздир. Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм берадир. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билувчидир» (282-оят).

يَلِصْ هَلْ لَاْ لُؤْسَرِ لَاقِ : لَاقِ هُوْ عُوْ هَلْ لَاْ يَضَرُّ دُوْعُ سَمِ نَبِ هَلْ لَاْ دَبَعْ نَعْ
هَوْرُ . «رُفْ كُ هَلَاتِقُوْ قَوْسُفْ مَلْسُ مِلَاْ بَابِ س» : مَلْسُو هِيْلَعْ هَلْ لَاْ
نَاْ اِحْيِيْ شَلَا

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик ва у билан уруш қилиш кофирликдир», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Ўтган уламолардан Зажжож раҳматуллоҳи алайҳи: «Бадгумонлик яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишдир. Аммо фисқ аҳли бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган бўлса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор», деган.

Маълумки, фосиқлик катта гуноҳ ҳисобланади. Шариат кўрсатган чегарадан чиқиб, гуноҳ ишларни қилувчилар фосиқ ҳисобланади. Фисқ диндан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирганлар диндан чиқади.

Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда: «**Мусулмонни сўкиш фосиқлик ва у билан уруш қилиш кофирликдир**», дейилмоқда. Чунки фисқ куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам урушга олиб боради.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди